

Буюк Британияда мусулмон талабаларни дарсга киритмаган коллеж маъмурияти узр сўради



13:30 / 06.07.2019 1718

Жорий йилнинг март ойида Буюк Британия қироличаси Элизавета II нинг Қирол коллежига қилган ташрифи куни ушбу таълим масканида таҳсил олаётган бир қанча мусулмон талабаларнинг коллеж биносига кириш карталари вақтинча тўхтатиб қўйилган. Натижада 13 нафар мусулмон талаба ўқишга шу куни киролмаган ва имтиҳонлардан йиқилган. Мазкур коллеж Британиядаги энг нуфузли ўқув муассасаси бўлиб, бу ерда кўплаб мусулмонларнинг фарзандлари таҳсил олади.

Маълум бўлишича, шу куни дарсга киритилмаган талабларнинг кўпчилиги мактбадаги Фаластин жамоасининг вакиллари бўлган. Бироқ ушбу талабаларнинг бирортаси ҳеч қандай жиноий ҳаракатларга алоқаси бўлмаган.

Ушбу масалага изоҳ берган коллеж маъмурияти Twitterдаги саҳифасида айрим биноларга кириш хавфсизлик сабабидан тўсиб қўйилганини айтиб ўтган эди. Орадан шунча вақт ўтган бўлишига қарамай, коллеж маъмурияти ушбу воқеа ҳақида аниқ фикр билдирмаётган эди. Бироқ, яқинда коллеж фаолияти ҳақида ҳисобот тайёрлаган коллеж профессори

Эвелйн Велч айнан шу масала юзасидан ҳисобот бериш жуда ҳам ноқулай эканини маълум қилиб, коллеж маъмурияти мусулмон талаблардан кечирим сўраганини маълум қилган.

***Islom.uz* портали таҳририяти**